
ХАЛҚИМИЗГА МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯРАТИШ МАҚСАДИДА БАРЧА ҲУДУДЛАРДА ЯНГИ УЙ-ЖОЙЛАР БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Бешариқ туманида ҳам кўп қаватли уйларнинг қурилиши давом этаётган бўлиб, “Янги Файзобод” массивини бунёд этиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Айти кунларда 626 та хонадонга мўлжалланган 11 та 5 ва 7 қаватли уйлар қурилмоқда, 3 таси фойдаланишга топширилди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бу ердаги қурилиш жараёни билан танишди, қулай инфратузилмани яратиш, қурилиш сифатига эътибор қаратиш борасида топшириқлар берилди.

Кейинги йилда 6 та 300 хонадонли уйлар, мактаб, боғча ҳамда меҳмонхона ҳам қурилади. Ҳозирда 30 та савдо дўконларини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Туман марказидаги Янгиҳаёт МФЙдаги Шаббода кўчасида барпо этилаётган Туризм кўчаси тақдимоти билан ҳам танишилди.

2024-10-15 09:26:05